



ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Хидиров Фурқат Шукруллаевич

ИИБ Малака ошириш институти

Касбий махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-27>

ARTICLE INFO

Received: 11th February 2023

Accepted: 22th February 2023

Online: 23th February 2023

KEY WORDS

Ҳуқуқ-тартибот
масканлари,
ҳуқуқбузарликлар,
профилактика, ички ишлар
органлари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ички ишлар органларининг фаолиятини бевосита маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, шунингдек фуқароларнинг хавфсизлиги ва оқилолликларини таъминлаш борасида сўз боради.

Мамлакатимизда барча соҳалардаги каби ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди ва бу йўналишда ноёб миллий тизим яратилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат жиноятчиликка қарши курашнинг бош йўналишига, балки мамлакатдаги барча давлат идораларининг устувор вазифасига айланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услублари тубдан ўзгартирилди, хусусан қонун бузилиши ҳолатларини фожия ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ушбу идораларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислохотларни мазмунидан келиб чиқиб қуйидаги алоҳида йўналишларга ажратиш олиш мумкин, *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг ваколатларини ошириш юзасидан; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигини оширишда субъектлар фаолиятини ташкил этиш учун етарли шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади, хусусан, моддий-техника, замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш, барча қўлайликларга эга хизмат хоналарини ташкил этиш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари орасида профилактика инспекторлари энг муҳим ўринни эгаллайди. Уларнинг зиммасига маҳаллалар кесимида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг



умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш каби вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони асосида профилактика инспектори лавозимлари штат бирликлари 2573 тага кўпайтирилиб, уларнинг сони 7302 тадан 9875 тага етказилди ва республикаимизнинг ҳар бир маҳалласига бир нафардан профилактика инспекторининг фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда эса республикаимизда 10 000 мингдан ортиқ профилактика инспекторлари хизмат қилиб келмоқда.

Рус олими В.Н. Прокопенконинг профилактика фаолиятининг ИИОнинг ҳар қандай бошқа соҳавий хизмати фаолиятдан ажралиб турадиган муҳим жиҳати – унинг ИИО фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олганлиги, комплекс ҳамда кўп функцияли эканлигида¹, деган фикрлари ПИларининг бугунги фаолиятига берилган тўғри баҳо дейиш мумкин.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислохотлар жараёни профилактика инспектори фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу масалада Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Узоқ тумандан келиб профилактика инспектори бўлиб ишлаш мумкин эмас, шунинг учун уларни уй-жой, хизмат машиналари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бераяпмиз. Бугунги кунда 368 нафар профилактика инспекторининг 120 нафарига уй-жойлар ва автотранспорт воситалари тантанали равишда – топширилди”², - деб таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, профилактика инспекторининг зиммасига маъсулиятли вазифалар юклатилган экан, улар томонидан бириктирилган маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга ошириш, бу жараёнда ҳудудда хизмат олиб бораётган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа субъектлари, хусусан, ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, Миллий гвардия ва бошқа давлат органлари, жамоат тузилмаларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш учун етарли шарт-шароит яратиш зарурати мавжуд эди. Шу боисдан, ислохотларнинг бугунги босқичида ушбу муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди.

Назар ташлайдиган бўлсак, таянч пунктлари негизида босиқча-босқич маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиши белгиланиб, улар маҳалла ва

¹ Прокопенко В.Н. Правовые и организационные основы профилактической деятельности участковых уполномоченных милиции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. // [Эл. манба]. – URL: <http://dissercat.com/content/pravovye-i-organizatsionnye-osnovy-profilakticheskoi-deyatelnosti-uchastkovykhupolnomochenn> (мур. вақти: 20.05.2016).

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.10.2017).



қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Албатта таянч пункти маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларидан муайян фаолияти билан фарқлансада, унинг негизида ташкил этилиши уларга юклатилган айрим фаолият йўналишларини ҳам ўзига қамраб олади.

Ҳозирги кунда республикамизда жиноятчилик устидан ижтимоийҳуқуқий назорат шартли равишда уч йўналишга: 1) жиноятларнинг олдини олиш; 2) содир этилган жиноятлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш; 3) суд томонидан белгиланган жазонинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ комплекс тадбирларга ажратилишини инобатга олганда ТПлари зиммасидаги вазифалари доирасида ушбу йўналишларнинг барчасини таъминлашда бевосита иштирок этиш имкониятига эгаллиги билан ўз афзалликларига эга бўлган ноёб тизимдир³.

Дарҳақиқат, бугунги кунда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканини таянч пунктларидан ҳам кенгроқ имкониятларга эга бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда муҳим рол ўйновчи янада ноёб тузилмадир деб ҳисоблаш мумкин.

Шу билан бирга, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани замонавий техника ва ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланган, таянч пунктдан фарqli ўлароқ барча йўналишдаги ишлар ортиқча қоғозбозликлардан воз кечган ҳолда фаолият рақамлаштирилган ва электронлаштирилган тузилма сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мазкур қарор билан Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом қабул қилиниб, уларнинг мақоми ва асосий вазифалари белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ-тартибот масканларига таянч пунктлари зиммасига юклатилган айрим вазифалардан ташқари қуйидаги вазифалар ҳам юклатилган:

- 1) ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти маҳаллалар кесимида ички ишлар органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг биргаликдаги ишлашларини ташкил этишга йўналтирилганлиги;
- 2) аҳоли муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий ҳуқ-атоврга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилганлиги;

³ М.З.Зиёдуллаев. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 2019. 20 б.



3) маҳалланинг кириш-чиқиш жойларида ва ҳудуддаги бошқа объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларидан фойдаланган ҳолда, ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва бошқалар.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ташкил этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ва сифат даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бу жиҳатларни қуйидагиларда кўриш мумкин, биринчидан, ҳуқуқ-тартибот масканлари энг замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланиши; *иккинчидан*, ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириши; *учинчидан*, профилактика инспекторларидан ташқари ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, давлат органлари, миллий гвардия органлари ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш мақсадида ташкил этилганлиги ва бошқалар.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда муайян муаммо ва камчиликлар мавжудки уларни бартараф этмасдан туриб ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашда етарли натижаларга эришиб бўлмайди, жумладан:

биринчидан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича профилактика инспекторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатининг қабул қилинмаганлиги;

иккинчидан, профилактика инспекторларининг аксариятида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг таянч пунктларидан қандай хусусиятлари билан фарқланиш ҳақидаги тушунчага эга эмаслиги, таъкидлаш лозимки, бу борада ўтказилган сўровномада респондентларнинг 87,4 фоизи фарқини билмаслиги, 3,2 фоизи фарқи номидалиги, 9,4 фоизи эса қандай жавоб беришни умуман билмасликларини билдирган;

учинчидан, республиканинг барча ҳудудларида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича профилактика инспекторларининг режалар ва ҳисобот намуналарининг мавжуд эмаслиги, хусусан, айнан қайси йўналишларда режалар тайёрланиши ва улар асосида ҳисоботлар тайёрланиши тақдим этилиши механизми мавжуд эмас;

тўртинчидан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига жамоат тартибини сақлашга жалб этилган соҳавий хизмат ходимлари ва ташкилотлар, Миллий гвардия органлари ходимларига ҳудуд бўйича вазифалар белгилаб бериш борасида профилактика инспекторининг аниқ ваколатлари белгилаб берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилмаганлиги.

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги низомнинг 1-боби 3-бандида масканлар Тошкент шаҳри туманларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, йирик туман



ва шаҳарларда ташкил этилади деб белгиланган бўлиб, бу тушунчасини янада аниқлаштиришни талаб этади, чунки мазкур таърифдан келиб чиқиб вилоятда битта, йирик туман ва шаҳарларда 2 ёки 3 та ҳуқуқ-тартибот маскани ташкил этилади деган тушунча келиб чиқади;

олтинидан, республикамиздаги мавжуд маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этишни жадаллаштириш заруратининг мавжудлиги;

еттинидан, ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш жараёнига ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизмат ходимлари, хусусан, тергов, тезкор-қидирув, патруль-пост, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари ва Миллий гвардия органларидан доимий равишда бир нафардан ходимларини бириктириш заруратининг мавжудлиги;

саккизинидан, янги тузилма бўлганлиги сабабли профилактика инспекторларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот фаолиятини ташкил этишдаги тажрибаларининг йўқлиги;

тўққизичидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг аниқ инфратузилмасининг белгилаб берилмаганлиги.

Бундан ташқари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг бир ҳудудда катта ёки кичиклигига қараб нечтадан ташкил этиш кераклиги борасида ҳам аниқлаштиришни талаб этади. Бу борада эса Ички ишлар вазирлигининг алоҳида буйруғини ишлаб чиқиш ва мазкур буйруқда бу борадаги тартиб қоидалар белгилаб берилиши лозим.

Айнан бу масалада тадқиқот ишларини олиб борган олим М.З.Зиёдуллаев: “ТП криминоген вазият, аҳоли сони ва зичлиги, ҳудудларнинг хусусиятлари ва жойларда фуқаролар ҳавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ бошқа шарт-шароитлар инobatга олинган ҳолда ҚР ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоят ИИБлари бошлиқларининг буйруқларига асосан ЎзР ИИБ ХПББ билан расмий келишган ҳолда ташкил этилади ва фаолияти тугатилади. ИИО ТП имкон қадар унга бириктирилган маъмурий ҳудуднинг марказида, аҳоли учун қулай жойда ташкил этилади”⁴, - деб таъкидлаган.

Дарҳақиқат маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишнинг муҳим жиҳати уларнинг қаерда ва қандай тартибда ташкил этиш шартларини белгилаб бериш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боисдан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

➤ “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги низомда ҳуқуқ-тартибот масканларини туман ва шаҳарларнинг қандай жойларида ташкил этишни аниқ белгилаб бериш, масалан, “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари шаҳар-туманларнинг марказий ва аҳоли гавжум жойларида ташкил этилади” деган маънода;

⁴ М.З.Зиёдуллаев. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 2019. 18 б.



- республикамиздаги мавжуд маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этишни жадаллаштириш;
- ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш жараёнига ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизмат ходимлари, хусусан, тергов, тезкор-қидирув, патруль-пост, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари ва Миллий гвардия органларидан ходимларнинг фамилияси, исми ва шарифи, лавозими бўйича бириктириш бўйича буйруқларини чиқариш;
- профилактика инспекторларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларида хизматдан ажратилмаган ҳолда алоҳида жадвал асосида ўқув курсларини ташкил этиш;
- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низомга уларнинг инфратузилмаси ҳақида, хусусан, нечта хона бўлиши, қандай жиҳозлар ва техника воситалари билан жиҳозланиши, масканлар атрофида нималар ташкил этишни белгилаб бериш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасида “Ички ишлар органларининг таянч пунктлари” деб номланган норма мавжуд бўлсада, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида йўқлиги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар, жумладан, “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари” мақомини белгилаб берувчи моддани киритилишини талаб этади.

Юридик адабиётлар, қонун ҳужжатлари ва бошқарувни ташкил этиш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай соҳада фаолият юритувчи орган, муассаса ёки жамоатчилик тузилмасининг олдида қўйилган мақсадига эришиши ва зиммасидаги вазифаларини самарали амалга ошириши, қолаверса, қонун ва ахлоқ нормалари талабларига қатъий амал қилишини таъминлаш учун улар фаолиятининг принциплари белгилаб берилади. Принциплар субъектнинг фаолиятини ташкил этишдаги функциялар, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, таянч пунктлари фаолиятида мавжуд бўлган айрим муаммолар маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш жараёнида ҳам учраб турибди.

Бу борада М.З.Зиёдуллаев ҳам қуйидагиларни кўрсатиб ўтган: “ИИО ТПлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили уларда ТПлари фаолиятининг принциплари ва юклатилган вазифаларни бажариш бўйича функциялари аниқ белгилаб берилмаганини кўрсатади. Бу эса ТПлари фаолиятини самарали ва мақсадли ташкил этиш, бу жараёнда қонун устуворлигини таъминлаш, ПИлари ва бошқа субъектлардан хизмат фаолиятида муайян чора-тадбирларни амалга оширишни ва бунга масъулиятни талаб қилиш ҳамда уларни ҳуқуқий ҳимоялашда муайян муаммоларни келтириб чиқаради”⁵.

⁵ М.З.Зиёдуллаев. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 2019. 21 б.



Шунингдек, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишга маъсул раҳбар ходимларнинг ҳам ваколатлари ва вазифаларини белгилаб бериш лозим. Э.Норбўтаев таъкидлаганидек, олимларнинг фикрлари, амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар⁶ ишлаб чиқиш зарурлиги З.М.Охунов ва Ш.Х.Қушбоқовлар ҳам бу борада қуйидагича фикрлайди уларнинг фикрича, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар, сабаб-шароитларини бартараф этишда ички ишлар органлари иштироки илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш зарур.⁷

Масалан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўради, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар ярим йилда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспекторининг ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш аҳволи бўйича ҳисоботини эшитади ва зарур чораларни белгилайди. Шунингдек, профилактика катта инспектори Масканнинг бевосита раҳбари ҳисобланади ва унинг зиммасига маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кунлик ишни самарали ташкил этиш масъулияти юкланади⁸ деб белгиланган.

Мазкур қоида билан Масканнинг раҳбари сифатида профилактика катта инспекторини эътироф этилса, унинг фаолиятини назорат қилишга ҳокимлар маъсуллигини кўрсатади. Аммо, профилактика катта инспекторлари ва профилактика инспекторларининг бевосита раҳбари, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этишга маъсул бўлган ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш борасида аниқ бир ваколатлари белгиланмаган.

Бу эса Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани қайси мансабдор шахсга ҳисобот бериши ва бўйсунishiга аниқлик киритилмай қолганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг бўйсунishi тартибини белгилашни талаб этади.

Бу борада Россиялик тадқиқотчи Павловски В.В. “Милиция органларининг ҳукумат органлари олдидаги ҳисобдорлиги ва жамоатчилик томонидан назорат қилиниши тартиблари икки томонлама бўйсунishини, яъни маҳаллий ҳокимияти органлари ва Ички ишлар вазирлигига бўйсунishини билдиради⁹.

⁶ Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.

⁷ Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори//URL: <http://www.lex.uz>.

⁹ Павловски В.В. Взаимодействие общества и полиции (милиции) в обеспечении правопорядка: теоретический и историко-правовой анализ тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.01, кандидат юридических наук. С.220 г.Москва.



Дарҳақиқат бу борадаги айрим тушунмовчиликларни бартараф этишнинг бирдан бир йўли бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Ички ишлар органларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш юзасидан аниқ ваколат ва вазифаларини белгилаб беришни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини оширишда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг фаолиятини такомиллаштириш, уларни янги замонавий техника ва ахборот-коммуникация воситалари билан тўлиқ таъминлаш, республикамизнинг маҳаллаларида масканлар ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш муҳим рол ўйнайди.

References

1. Прокопенко В.Н. Правовые и организационные основы профилактической деятельности участковых уполномоченных милиции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. // [Эл. манба]. – URL: <http://dissercat.com/content/pravovye-i-organizatsionnye-osnovy-profilakticheskoi-deyatelnosti-uchastkovykhupolnomochenn> (мур. вақти: 20.05.2016).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.10.2017).
3. М.З.Зиёдуллаев. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 2019. 20 б.
4. М.З.Зиёдуллаев. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 2019. 18 б.
5. М.З.Зиёдуллаев. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 2019. 21 б.
6. Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.
7. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори//URL: <http://www.lex.uz>.
9. Павловски В.В. Взаимодействие общества и полиции (милиции) в обеспечении правопорядка: теоретический и историко-правовой анализ тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.01, кандидат юридических наук. С.220 г.Москва.